

ЗАМОНАВИЙ ШОИРЛАР ИЖОДИДА СУВ ВА ОЛОВОБРАЗЛАРИНИНГ РАМЗИЙ-ТИМСОЛИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Шохиста Шодиевна Низомова Комила Дилмурод кизи Фатуллахўжаева
Бухоро давлат университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада замонавий шоирлар ижодида сув ва олов образларининг генезиси ва унинг ҳаётий асослари шунингдек, хусусиятларини очиб берилган. Халқимиз орасида кечкурун ойнага, сувга қарамаслик тақиқи мавжуд. Қадимда сувдан ойна ўрнида фойдаланилгани ҳақидаги тарихий далилга ишора замонавий шоирларнинг шеърларида ҳам таҳлилга тортилгани ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: сув, олов, сеҳр, эртак, табиат, ўсимлик, генезис, зардушт

SYMBOLIC IMPROVEMENTS OF WATER AND FIRE IN THE WORKS OF MODERN POETS

ABSTRACT

The article seeks to reveal the genesis of the images of water and fire in the works of modern poets and its vital foundations as well as their features. There is a prohibition among our people not to look in the mirror or in the water in the evening. The reference to the historical fact that water was used instead of glass in ancient times is thought to have been analyzed in the poems of modern poets as well.

Keywords: water, fire, magic, fairy tale, nature, plant, genesis, Zoroastrianism

Зулфиянинг “Сой кечаси” шеърида тоғ ортидан кўтарилган ойнанинг акси сувларни кучиши, у ёрни ёдга солиб, кўздан уйқуни қочириши ва дилда севги тўлқинини тошириши хусусида гапирилган. Сув кўзгу ва кўнгилга ўхшатиш:

Сўлим қирғоқ нур-ла ўпишди.

Кўзгу бўлди жимжит оққан сой.¹

Халқимиз орасида кечкурун ойнага, сувга қарамаслик тақиқи мавжуд. Шунингдек, аёлларга ҳомиладорликда, янги тукқанда ойнага қараш тақиқланади. Чунки бу даврда аёллар нопок ҳисобланади.

Қадимда сувдан ойна ўрнида фойдаланилгани ҳақидаги тарихий далилга ишора ҳозирги шоирларнинг шеърларида ҳам учраши эътиборни тортади:

Сўнг афтини кўриб сувда

Лойқалатнинг, деди шоҳ,

Ариқдаги тиниқ сувни, —

¹ Зулфия. Тонг билан шом аро. Сайланма. – Тошкент, 2012. – Б.10.

Тиниқ сувдадир гуноҳ.

Алқисса, сўнг эвин топиб
Шоҳни қўйдилар гўрга,
Ойина йўқ, тиниқ сув йўқ,
Шоир йўқ, яъни гўрга.²

Сабр довонин ўтдим,
Гўё бўлди дил.
Кўз ёшларимни ютдим,
Дарё бўлди дил.³

Сув – оловга зид унсур. У орқали олов ўчади. Бу ҳақиқат куйидаги мисралар қатида акс эттирилган:

Бу ерларга беҳуда келдим,
Сувга чўккан чўғдек сўзларим.⁴

Сув устида оғир нарсалар чўкиб кетади. Хусусан, сув тошни кўтара олмайди. Тош сувга тушиши билан чўкиб, кўздан йўқолади:

Сувга тушган тош каби беғам,
Бепарвоман, кошки десам дод.
Қисматимиз шу экан, жўрам,
Қоқ иккига бўлинган ҳаёт.⁵

Шеърда сув ва тош образларининг бирга келтирилаётгани шунчаки тасодиф эмас. Чунки эртақлар ҳам сеҳрли тош сув ости мамлакатига йўл бошловчи тилсим куч сифатида талқин қилинади. Бунинг асосида эса қадимги одамларнинг Яда тоши ёрдамида ёмғир чақириш маросими ўтказганликлари ҳақидаги маълумотлар ётади. Археолог олимларнинг аниқлашича, ёмғир чақириш маросимининг келиб чиқиши неолит ва бронза даврига бориб тақалади. Чунки қадимда одамлар яда (жада) тоши воситасида ёмғир чақириш маросимини ўтказганлар. Бу ёмғир чақиришнинг илк кўриниши бўлиб, кейинчалик унинг бошқа яна бир кўриниши сифатида “Суст хотин” маросими келиб чиққан.

Шунингдек, эртақларда қилич, пичоқ қабиларнинг сув ва осмон стихияси билан боғлаб талқин қилиниши кузатилади. Негаки, қиличсоз ва пичоқсоз усталар ўз маҳсулотини олов билан сувсиз тайёрлай олмагани учун, уларнинг магик хоссаси борлигига ишонч билан қарашган. Шунинг учун эртақларда уста ўзи ясаган сеҳрли пичоқни “олов билан сувнинг ўғли” деб таърифлайди. Бу таъриф

² Садриддин Салим Бухорий. Ўша китоб. – Б.53.

³ Садриддин Салим Бухорий. Ўша китоб. – Б.86.

⁴ Рауф Парфи. Сўнги видо. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.55. (136).

⁵ Муҳаммад Али. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1997. – Б.93.

эса ҳаётий асосга эгадир. Сабаби, пичоқсоз усталар пичоқ яшаш учун даставвал бир бўлак темирни (металлни) олиб, уни оловда яхшилаб тоблайдилар. Шундай қилинса, унга ишлов бериш осон кечади. Сўнгра ишлов берилган чўғдек металл сувга солиб совутилади. Кўриняптики, шу жонли реал ҳолат эртақда пичоққа берилган таъриф орқали таъкидланмоқда. Қиличботирнинг жони сақланадиган қиличи ҳам бежиз сувга ташланмайди. Бу билан унинг қайта тирилиши муқаррарлигига ишора қилинади.

М.Юсуф душманлар юртимизни эгаллаш учун гоҳ “Ўтга бостириб далани”, гоҳ “Сувга чўктириб қальани” аёвсиз хужум қилишганини таъкидлайди.⁶ Бу ифода сув ва оловдан ҳаётда ҳарбий тактика воситаси сифатида ҳам фойдаланиб келинганига ишора қилади.

Олов табиат ҳодисаси сифатида **градуонимик** моҳиятга эга. Модификацион семанинг кучли-кучсиз даражаланиши (градуномияси)га кўра олов икки хил: 1. Кучли даражали. 2. Кучсиз даражали семаларда қўлланади. Яъни олов микдори, шиддати, кўлами, тезлиги, йўналиши, ҳосил бўлиш ўрни, кучига қараб турли номлар билан атаб келинади. Масалан, олов, оташ, аланга, гулхан, чўғ, учқун сингари. Қуйидаги мисраларда унинг градуонимик моҳиятини намоён этувчи ўт, аланга сўзлари қўлланиб келган:

...Менинг кўз қорачиқларимдан
ўт олмоқда аланга.⁷

Қадимда чакмоқтош билан олов ёққанлар. Шунинг учун қуйида келтирилган шеърий парчадаги “Тошларим бечақмоқ – урсам чакнамас” мисраси бевосита шу тарихий-ҳаётий воқеликка дахлдор:

Тошларим бечақмоқ – урсам чакнамас.
Зорикқаним маним, топиб қаловин –
Бир шам ёқсанг, бас.
Нурга талпинаман,
шилиб ўтар совуқ ёнбошимни.⁸

Хуллас, шу каби ҳаётий асослар қадимдан ажодларимизнинг сувни ва оловни ўзига яқин кўмақдош, ҳомий деб англашига, уни улуғлашига олиб келган. Натижада сув ва олов култи билан алоқадор кўпгина анъаналар вужудга келган. Инсониятнинг жуда кўп анъаналари, маросим ва байрамлари, ҳаётий тушунчалари бевосита сув ва олов билан боғлиқдир.

REFERENCES

1. Sharipova M. B., Nizomova S. S. The artistic image of the image of "water" in the poem //УЧЕНЫЙ XXI ВЕ

⁶ Юсуф Муҳаммад. Биз бахтли бўлашимиз. Шеърлар тўплами. – Т.: Нihol, 2008. – Б.41.

⁷ Икром Отамурод Тағаззул. Шеърлар тўплами. – Тошкент, 2008. – Б.35.

⁸ Усмон Азим. Фонус. Шеърлар тўплами. – Тошкент, 2010. – Б.45.

2. КА.–2018. – 2018. – Т. 11. – С. 75.
3. Nizomova S. S. SHARIA'S DESCRIPTION OF THE CEREMONIAL ATTITUDE TO WATER //Archive of Conferences. – 2020. – Т. 4. – №. 4. – С. 65-67.
4. Uraeva D. S. et al. THE EXPRESSION OF THE NATIONAL TRADITIONS AND BELIEFS IN UZBEK PHRASEOLOGICAL UNITS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 469-472.
5. Хамроева Н. Н., Низомова Ш. Ш. Важные стороны уроков чтения в повышении культуры книгочтения //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46).
6. Низомова Ш. Ш. ВЫРАЖЕНИЕ ОБРАЗОВ В УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ //Проблемы науки. – 2021. – С. 79.
7. Nizomova S. S. THE SCOPE OF THE TOPICS OF THE SHARIA OF THE INDEPENDENCE PERIOD //Archive of Conferences. – 2020. – Т. 4. – №. 4. – С. 68-69.
8. Низомова Ш. Ш. СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ РАЗВИВАЮЩИХ ИГР В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 6 (51).
9. Низомова Ш. Ш., Нурмуродова С. Э. К. Техника речи как основной инструмент учителя //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46).
10. Низомова, Ш. Ш. "Роль современных информационных технологий и электронных средств в обучении, образовании и развитии личности." *Вестник магистратуры* 4-3 (2019): 68.
11. Nizomova S. S. MODERN POETRY //ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ. – 2020. – С. 89-90.
12. Низомова Ш. Ш. ПРОБЛЕМНОЕ ОБУЧЕНИЕ КАК СРЕДСТВО РАЗВИТИЯ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СФЕРЫ СТУДЕНТОВ //ВЕСТНИК МАГИСТРАТУРЫ. – 2019. – №. 12-2. – С. 116.
13. Хамроева Н. Н. Compliment как одна из форм фатического общения KOMPLEMENT AS ONE OF FATIC COMMUNICATION FORMS //МИЖНАРОДНИЙ НАУКОВИЙ ЖУРНАЛ «ІНТЕРНАУКА. – 2020. – С. 107.
14. Nizomiddinova K. N. Compliment as one of the forms of Phatic Communication //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 10. – №. 1.
15. Hamroyeva N. ИЛТИФОТНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
16. Hamroyeva N. ИЛТИФОТ–ФАТИК МУЛОҚОТНИНГ БИР КЎРИНИШИ СИФАТИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
17. Toirova G., Hamroeva N. THE IMPORTANCE OF LINGUISTIC MODELS IN THE DEVELOPMENT OF LANGUAGE BASES //Sciences of Europe. – 2020. – №. 59-2 (59).

18. Uraeva, D. S., Sharipova, M. B., Zaripova, R. I., & Nizomova, S. S. (2020). THE EXPRESSION OF THE NATIONAL TRADITIONS AND BELIEFS IN UZBEK PHRASEOLOGICAL UNITS. *Theoretical & Applied Science*, (6), 469-472.
19. Рахимов Ф. Б., Шарипова М. Б. МЕСТО ИННОВАЦИЙ В РЕШЕНИИ СОВРЕМЕННЫХ ПРОБЛЕМ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ //Academy. – 2020. – №. 5 (56).
20. Шарипова М. Б., Садуллоева М. Б. К. ПРОФЕССИЯ «УЧИТЕЛЬ» И ЕЁ РОЛЬ В ОБЩЕСТВЕ //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46)
21. Шарипова М. Б., Мустакимова Г. А. Наследие мыслителей в эстетическом воспитании учащихся начальной школы //Вестник магистратуры. – 2019. – №. 10-5. – С. 48-49.
22. Sharipova M. B., Nizomova S. S. THE ARTISTIC IMAGE OF THE IMAGE OF "WATER" IN THE POEM //УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА. – 2018. – №. 11. – С. 75.
23. Шарипова М. Б., Муродова Ш. Ш. ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРЯДОВ В ЭПОСЕ «АЛПОМИШ» //Научный журнал. – 2020. – №. 9. – С. 32-34.
24. Шарипова М. Б. и др. ПРОФЕССИЯ «УЧИТЕЛЬ» И ЕЁ РОЛЬ В ОБЩЕСТВЕ //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1. – С. 24-25.
25. Waxshilloeyvna M. S., Shuhratovna M. S. Description and interpretation of wedding customs in the epic "Alpomish" //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 11.
26. Sharipova M. "Alpomish" dostoni-o'zbek xalqi tarixi badiiy ifodasi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
27. Sharipova M. O'quvchi yoshlar tarbiyasida o'lmas an'ana va marosimlarning ahamiyati //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
28. Sharipova M. Qahramonlik eposi-milliy madaniyatimizning nodir hazinasi ("Alpomish" dostoni misolida) //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
29. Sharipova M. O'lmas an'ana va marosimlar-ma'naviyatimizning nodir hazinasi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
30. Ахмедова М. Ш., Шарипова М. Б. ВОСПИТАНИЕ РЕБЕНКА НА ОСНОВЕ НАРОДНЫХ ТРАДИЦИЙ //Молодежь в науке и культуре XXI в.: материалы междунар. науч. – 2016. – С. 118.